

**UDK 34**

**Ғофирова Ғарангиз Ғулом кизи, Магистрант**

**Gofirova Farangiz Gulom kizi, master student**

**Тошкент Давлат Юридик Университети**

**Ўзбекистон, Тошкент**

**Илмий раҳбар: К.Р.Алиева, (доцент в.б., ю.ф.ф.д)**

## **ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА БИРЛАШМАЛАР**

### **ҒАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Аннотация: Ушбу мақолада дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар, диний ташкилотлар ва бирлашмалар ғаолиятини янада такомиллаштириш истиқболлари каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: диний ташкилотлар, бирлашмалар, сиёсий манфаатлар, дин ва давлат.

### **PROSPECTS FOR IMPROVING THE ACTIVITIES OF RELIGIOUS ORGANIZATIONS AND ASSOCIATIONS**

Annotation: this article covers issues such as the relationship between religion and the state, prospects for further improvement of the activities of religious organizations and associations.

Keywords: religious organizations, associations, political interests, religion and state.

Айтиш жоизки, диний ташкилотлар сиёсий манфаатлар тўқнашуви объекти бўлгани учун ҳам доимо давлатнинг назорати остида бўлади. Буни дунёнинг деярли барча мамлакатларида кузатиш мумкин. Баъзи ҳолларда диний озчиликлар ҳуқуқлари бузилиши, бир қатор демократик конституциявий тамойилларга путур етиши, дунёқарашга асосланган танлов эркинлиги чекланиши, балки айрим давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашув имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва унинг чақириқларига муносиб жавоб бериш имконияти кўлдан бой берилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу тушунчанинг қонунчиликка киритилиши қай жиҳатдан аҳамиятли? Маълумки, бир қанча фуқаролар

жамоаси диний ташкилот тузиш мақсадида ўзлари учун маслакдошлар излашади ва бу даврда улар ҳеч қандай ҳуқуқий мақомга эга бўлмайди. Аммо шу вақт давомида ҳам улар маълум ҳаракатларни амалга оширишади, яъни, ўз эътиқодларини атрофдагиларга тарғиб этишади, ўз ғояларини ёйиш билан шуғулланишади, бир сўз билан айтганда, маълум бир гуруҳга бирлашишади. Аммо ушбу гуруҳнинг мақоми қонунчилик билан белгиланмаган. Буни белгилаш орқали, турли нотўғри мақсадда иш юритишни ният қилган диний гуруҳлар фаолияти тартибга солинган бўлар эди. Рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг ҳудудий ва республика диний бирлашмаларини тузиш ҳуқуқи, шунингдек, ҳудудий, республика бирлашмаларининг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий диний бирлашмалар ташкил этиш ҳуқуқи ҳам кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу моддада назарда тутилган диний бирлашмаларнинг филиаллари раҳбарларини тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги низом ҳам ушбу тартиб асосида шакллантирилиши лозим.

Қонун лойиҳаси биринчи навбатда “виждон ва дин эркинлиги”га тегишли. Бироқ, у моҳиятан динга эътиқод қилиш ҳуқуқини амалга оширишни тартибга солади. Шу билан бирга, фикр ва виждон эркинлиги (ўз хоҳишига кўра дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки қабул қилиш эркинлиги) сўзсиз ҳимоя қилинадиган ҳар қандай чекловларга йўл қўйилмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур. "Виждон эркинлиги" ва "дин ёки эътиқод эркинлиги" ўртасидаги фарқ уларнинг субъектлари нуктаи назаридан ҳам долзарбдир, чунки виждон эркинлиги ҳуқуқи ўзининг моҳиятига кўра шахсларнинг ҳуқуқи бўлиб, уни қонуний равишда амалга ошириб бўлмайди. Қонун лойиҳасида, шунингдек, биринчи навбатда, “дин”/“диний эътиқод” ҳақида сўз боради, лекин диний бўлмаган эътиқод эркинлиги ҳақида сўз юритилмайди, гарчи баъзи қоидаларда “эътиқод” сўзи қўлланилса ҳам. Шундай қилиб, қонун лойиҳаси диний бўлмаган "эътиқод"ларни ҳам қамраб оладими ёки йўқми, аниқ эмас. Бироқ, нинг 18-

моддаси нафақат диний эътиқод эркинлигини, балки эътиқод эркинлигини ҳам кафолатлайди. Бундан ташқари, БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси "фикр эркинлиги" ва "виждон эркинлиги" ҳимояланганлигини аниқ таъкидлаган. Шунингдек, дин ёки эътиқод эркинлиги, Инсон ва фуқароларнинг "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро Пактнинг 18-моддаси билан ҳимояланган қадриятлар тизимининг турларини, шу жумладан теистик, нотеистик ва атеистик эътиқодларни потенциал кенг қамровли талқин қилишни таъминлаш билан бирга, ҳар қандай дин ёки эътиқодга эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмасликни кафолатлайди. Шу нуқтаи назардан, қонун лойиҳасининг 6-моддаси тўртинчи хатбошидаги "атеистик эътиқодлар"га эксклюзив ҳавола – масалан, гуманизмни чиқариб ташлаш жуда чекловчи кўринади.

Қонун лойиҳаси диний бўлмаган эътиқодларни қамраб оладими ёки йўқми деган чалкашликларга йўл қўймаслик учун қонун лойиҳасининг сарлавҳаси ва матнига "фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлиги" деган мазмундаги ўзгартиришлар киритилиши ҳамда ушбу қонун лойиҳасига асосланган ташкилотларга ҳаволалар киритилиши тавсия этилсин. диний бўлмаган эътиқодлар ва айрим эътиқодларга эга бўлган ташкилотлар тўғрисида, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро Пактнинг 18-моддаси ва ЭХҲТнинг тегишли мажбуриятларига мувофиқ. Шу билан бирга, қонун лойиҳаси фақат бошқа қонунлар билан муайян эътиқодга асосланган ташкилотларга тенг ҳимоя ва муомала кафолатланган тақдирдагина фикр эркинлигининг айрим жиҳатларини тартибга солиш билан чекланиши мумкин.

Қонундаги яна бир жиҳатга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда 28 марта фуқаролар сўзи ишлатилади. Аммо Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра, "ҳамма учун виждон

эркинлиги кафолатланган” ва “ҳар ким исталган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч кимга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга” эканлиги белгиланган.

Қонунда кўп қисмларда ушбу ҳуқуқ фақат фуқароларга тегишли эканлиги маъносида қўлланиш ҳолати мавжуд бўлса-да, . Хусусан, қонуннинг 4-моддасига кўра, “Виждон эркинлиги — бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди”.

Гарчи баъзи қоидаларда "фуқаролар" ҳақида сўз борса-да, бу фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қонуний манфаатлари тенг даражада ҳимоя қилинмаслигини назарда тутса-да, қонун лойиҳасининг 6-моддаси иккинчи бандига мувофиқ, “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланади ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади”, дея белгиланган. Ушбу нормадан келиб чиқадики, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари ҳам қонундаги барча ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин. Аммо, баъзи ҳуқуқлардан фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фойдаланиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу қонунда коллизия юзага келади.

Масалан, қонуннинг 17-моддасида Маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга илова қилинувчи ҳужжатларда, маҳаллий диний ташкилотни ўз ташаббусига кўра тузаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари имзоларини ўз ичига олган ҳужжат ҳам

келтирилган. 6-модда мазмунидан келиб чиқилса, ушбу модда хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ам татбиқ этилиши мумкин деган қараш юзага келиши мумкин.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг қонунни фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этиш ниятини эътироф этиб, асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари нафақат фуқароларга, балки ҳаммага ҳам бирдек тааллуқли эканлигини кўрсатиш учун алоҳида эслатишдан воз кечган маъқул. Бунда қонунда тегишли ўринда "фуқаролар" сўзини қўллаш ва вазиятга қараб "барча шахслар" ёки "ҳамма" сўзларини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида таъкидланган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниш истиқболлари жамиятимиздаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда яхши қадам бўла олади. Демак, ушбу пойдевор тўлақонли фуқаролик жамиятининг ривожланиши, ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади ва диний бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, диннинг асл моҳиятини англашга, бузғунчи ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилишга, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Адабиётлар:

1. "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 05.07.2021 yildagi O'RQ-699-son. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 06.07.2021-y., 03/21/699/0635-son. <https://lex.uz/docs/-5491534>

1. 2. Xusanov O.T. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy huquqi. // yuridik fanlari doktori, professor M.X.Rustamboyevning umumiy taxriri ostida. Darslik. –Toshkent: TDYI, 2012. – b. 160